

«Ўзвиносаноат -холдинг» ХК АЖ
акциядорининг 2014 йил “30” июндаги
қарори билан
“Тасдиқланган”

«Ўзвиносаноат-холдинг» Холдинг компанияси АЖ
ички аудит хизмати тўғрисидаги
НИЗОМ

- I. Умумий қоидалар
- II. Ички аудит хизматининг асосий мақсадлари ва вазифалари
- III. Ички аудит хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- IV. Ички аудит хизматига қўйилган талаблар
- V. Ички аудит хизматининг мустақиллиги
- VI. Ички аудит ўтказилиши ва унинг ўтказилиши натижалари бўйича йиғма ҳисобот тузиш талаблари
- VII. Ички аудит хизматининг жавобгарлиги

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш бўйича чоралар тўғрисида” ги ПҚ -475 сонли қарорига мувофиқ «Узвинпром-холдинг» ХК АЖ (бундан буён матнда жамият деб юритилади) ички аудит хизматига ягона талабларни ўрнатади ҳамда ишининг услубий асосларини белгилайди .
2. Мазкур Низом мақсадларида қуйидаги тушунчалар қўлланади :

ички аудит - бошқарувнинг ижро органи ва корхонанинг таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари, таъсис ва ички ҳужжатларга риоя қилиниши, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотлар ақс эттирилиши тўйқлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш, хўжалик операциялари амалга оширилишининг ўрнатилган қоида ва муолажалари, активлар сақланиши, шунингдек корпоратив бошқарув принципларини жорий қилишни текшириш ва мониторинг қилиш йўли билан ишни назорат қилиш ва баҳолаш бўйича корхона (ички аудит хизмати) нинг таркибий бўлинмасининг фаолияти ;

ички аудит хизмати –корхонанинг мазкур Низом, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан ўрнатилган талабларни ҳисобга олган ҳолда ички аудитни амалга оширадиган таркибий бўлинмаси .

II. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ
АСОСИЙ МАҚСАДЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

3. Ички аудитнинг асосий мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади :
кузатув кенгашини ҳаққоний ахборот билан таъминлаш ва ички аудитни амалга ошириш натижалари бўйича корхонанинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш ;

корхонанинг бошқарув органларига ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф қилиш бўйича тавсияларни тезкор равишда киритиш, уларни бартараф қилиш бўйича назоратни амалга ошириш .

4. Ички аудит хизматининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

корхонанинг кузатув кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган режасига мувофиқ мазкур Низомнинг 12-бандида кўрсатилган йўналишлари бўйича тегишли текширувларни ўтказиш йўли билан (ҳар чорак ва ҳисобот йили якунлари бўйича) ички аудитни амалга ошириш;

тузилаётган хўжалик шартномалари қонунчилик талабларига мос келишини юзасидан экспертизани ўтказиш;

корхонанинг таркибий бўлинмаларига бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда услубий ёрдам бериш, уларга молиявий, солиқ, банк ва бошқа қонунчилик масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

корхонанинг кузатув кенгашига техник вазифаларни ишлаб чиқиш, ташқи аудиторлик ташкилотларнинг таклифларига баҳо беришда ёрдам бериш, шунингдек аудиторлик текширувларни ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотни танлашда тавсияларни тайёрлаш.

III. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5. Ички аудит хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эга :

Холдинг компаниянинг ҳужжатлари (раҳбарнинг буйруқлари, фармойишлари, бошқарув органлари қарорлари, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар, зарур ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари ва бошқа ҳужжатлар) , ички аудитни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган масалалар бўйича корхонанинг мансабдор ва масъул шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришларини олиш;

корхонанинг тегишли мутахассисларини ички аудитни ўтказишда кўмаклашиш учун жалб этиш.

Ички аудит хизмати қуйидагиларга мажбур :

ички аудитни амалга оширишда мазкур Низом ва қонунчиликнинг бошқа ҳужжатлари талабларини риоя қилиш ;

мазкур Низомнинг 13-18- бандлари томонидан ўрнатилган талабларга мувофиқ ҳисоботларни тузиш ;

молиявий ва статистика ҳисоботларининг ҳаққонийлигини текшириш ;

ички аудитни ўтказиш вақтида олинган маълумотлар махфийлигига риоя қилиш;

корхонага унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан зарар етказилганлиги тўғрисидаги ҳолатлар аниқланган тақдирда , бу ҳақида корхонанинг кузатув кенгашига зудлик билан хабар бериш ва аудиторлик ҳисоботида тегишли ёзувни амалга ошириш лозим ;

активларни йўқлама қилиш (инвентаризация) ва унинг ўз вақтида амалга оширилишининг назоратида қонунчилик билан ўрнатилган тартибда иштирок этиш ;

аффиляцияланган битимларни ўрганиш .

Ички аудит хизмати қонунчилик ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин .

IV. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

6. Ички аудит хизмати ходимлари бухгалтерия ҳисоби, аудит, молиявий ёки солиқ назорати соҳасида охириги ўн йилдан камида икки йиллик амалий иш стажига (шу

жумладан ўриндошлик бўйича) эга бўлиши ва қуйидаги талабларнинг биттасига жавоб бериши лозим :

ички аудитор сертификатига эга бўлиши ;

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари ёки хорижий мамлакатларнинг таълим муассасаларида олинган олий иқтисодий маълумотга эга бўлиши ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида тенг қийматли таълим деб тан олинган маълумотга эга бўлиши.

Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда аудиторларнинг республика касбий жамоа бирлашмалари томонидан белгиланади .

7. Ички аудит хизмати ходимлари сони ички аудит мақсадларига эришиш ва вазифаларини бажариш учун етарли бўлиши лозим , ва корхонанинг кузатув кенгаши томонидан камида иккита сертификатланган ички аудитор миқдоридан белгиланади.

8. Ички аудит хизмати унинг ички аудитор сертификатига эга бўлган раҳбари раҳбарлик қилади .

Ички аудит хизмати раҳбари ҳар йили ички аудит хизмати харажатларининг йиллик сметасини тузади ва тасдиқлаш учун уни корхонанинг кузатув кенгашига тақдим қилади.

9. Ички аудит хизмати ходимларининг касбий даражаси тегишли лицензияга эга бўлган таълим марказларида мунтазам асосда уларнинг малакасини ошириш йўли билан қўллаб - қувватланиши лозим.

10. Ички аудит хизмати ходимлари Холдинг компаниясининг кузатув кенгаши томонидан ҳар йили аттестациядан ўтказиб туриши лозим.

V. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ МУСТАҚИЛЛИГИ

11. Ички аудит хизмати мустақиллигининг асосий шартлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади :

ички аудит хизмати раҳбари ва унинг ходимларини лавозимга тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш, корхонанинг кузатув кенгаши қарорлари бўйича уларга иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини ўрнатиш ;

корхонанинг кузатув кенгашига бевосита бўйсунтириш .

VI. ИЧКИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ЙИҒМА ҲИСОБОТНИ ТУЗИШГА ТАЛАБЛАР

12. Ички аудит фақат ички аудит хизмати ходимлари томонидан текширувлар ва мониторинг ўтказиш йўли билан амалга оширилади:

-тасдиқланган бизнес режани бажариш жараёни ;

-корпоратив бошқарув принципларига риоя қилиш ;

-бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи ҳолати ;

-солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши тўғрилиги ;

- молиявий- хўжалик фаолиятни амалга оширишда қонунчиликка риоя қилиш ;

- активлар ҳолати ;

- ички назорат ҳолати .

Корхонанинг ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда, қонунчиликка мувофиқ , кузатув кенгаши томонидан текширувлар амалга оширишининг бошқа йўналишлари белгиланиши мумкин .

13. Ўтказилган текширувлар натижаси бўйича уларни бевосита ўтказган ходим (ходимлар) томонидан имзоланадиган тегишли ҳисоботлар тузилади .

Бунда :

а) бизнес режа бажарилиши жараёни натижалари тўғрисидаги ҳисоботда куйидагилардан иборат бўлиши лозим:

унинг бажарилишининг миқдорий ва сифатли таҳлили ;

бажарилиши таъминланмаган тақдирда айбдор мансабдор шахслар шахсан кўрсатилган ҳолда аниқланган сабабларнинг таърифи ;

б) корпоратив бошқарув принципларига риоя қилиниши натижалари тўғрисидаги ҳисобот куйидагилардан иборат бўлиши лозим :

корхонанинг бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самарадорлиги, унинг иштирокчилари (таъсисчилари)нинг қонуний ҳуқуқларига риоя қилиниши таҳлили;

корпоратив бошқарув соҳасида қонунни бузиш ҳолларини тасвирлаш (таъсис ҳужжатларига риоя қилиш, корхонанинг бошқарув органлари умумий йиғилишлари ва мажлислари, дивидендлар ҳисобланиши тўғрилиги ва ўз вақтида тўланиши ва ҳ.з.);

в) корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлари ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот куйидагилардан иборат бўлиши лозим :

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг ўрнатилган тартибига риоя қилишни баҳолаш ;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишнинг ўрнатилган тартибининг аниқланган қоидабузарликларини тасвирлаш ;

г) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисобланиши ва тўланишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот куйидагилардан иборат бўлиши лозим :

тузилган ва тегишли органларга тақдим қилинган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрилигини баҳолаш ;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тўланишининг ўрнатилган тартиби бузилиши ҳолатларини, солиқ солинадиган базани белгилашда оғишни тасвирлаш ;

д) молиявий-хўжалик операцияларини амалга оширишда корхона томонидан қонунчиликка риоя қилишни текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот куйидагилардан иборат бўлиши лозим :

корхона томонидан амалга оширилган молиявий-хўжалик операцияларнинг мослигини баҳолаш ;

корхона томонидан амалга оширилган молиявий-хўжалик операцияларнинг ички аудит жараёнида аниқланган қонунчилик номувофиқликларини тасвирлаш;

е) ички назорат ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот куйидагилардан иборат бўлиши лозим :

ички назорат тизими ва унинг ишлашидаги мавжуд камчиликларни тасвирлаш;

корхонанинг таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолати, унинг аниқ ходимлари ишидаги мавжуд камчиликлар тўғрисидаги маълумотлар;

аффиляцияланган шахслар билан тахмин қилинаётган битимларни ўрганиш баённомаси.

Активлар ҳолатини текшириш натижалари активлар инвентаризациясига асосланиши лозим ва ўз ичига уларнинг ҳаракатланиши, ҳақиқий мавжудлиги ва сақланиши тўғрисидаги маълумотларни олиши лозим .

Ўтказилаётган текширувлар бўйича барча ҳисоботлар корхона ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятини баҳолаш, аниқланган оғишлар ва қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар, тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқ тўпламидан иборат бўлган яқуний қисмга эга бўлиши лозим.

14. Мазкур Низомнинг 12 ва 13-банларига мувофиқ ўтказилган ички аудит яқунлари бўйича ички аудит раҳбари томонидан имзоланган йиғма ҳисобот тузилади.

15. Йиғма ҳисобот қуйидагилардан иборат бўлиши лозим :
таҳлилий қисм ;
якуний қисм ;
тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқ тўплами .

16. Йиғма ҳисоботнинг таҳлилий қисми мазкур Низомнинг 12 ва 13-банларига мувофиқ ички аудит ходимлари томонидан ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотлардан иборат бўлиши лозим.

17. Ҳисоботнинг якуний қисми қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:
корхонанинг ижро органи ва таркибий бўлинмалари фаолияти , ҳамда унинг кадрлигининг умумий баҳоланиши ;
ички аудит хизматининг аниқланган оғишлар ва қонунбузарликларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар, шунингдек корхонанинг молиявий - хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича умумлаштирилган таклифлар .

18. Йиғма ҳисобот ички аудит тугатилгандан сўнг 10 кун мобайнида тайёрланиши лозим.

19. Йиғма ҳисоботлар бевосита корхонанинг кузатув кенгашига кўриб чиқиш ва кейинчалик тасдиқлаш учун тақдим қилиниши лозим . Ҳисобот нусхалари тасдиқлангандан сўнг холдинг компанияси (бошқарув) ижро органига тақдим қилиниши лозим .

20. Холдинг компаниясининг ижро органи ички аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун чора кўриши шарт .

21. Ички аудит хизмати текширув жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар ўз вақтида ва тегишлича бажарилиши, шунингдек корхонанинг молиявий – хўжалик фаолияти самаарадорлигини ошириш бўйича назоратни ўрнатиши лозим.

VII. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

22. Ички аудит хизмати ходимлари қуйидагилар учун жавобгар:
улар томонидан ўтказилган текширувлар натижаларини бузиб кўрсатиш ;
корхонанинг уларга тақдим қилинган ёки хизмат вазифалари бажарилиши муносабати билан уларга маълум бўлиб қолган тижорат сирини ташкил қиладиган ахборотнинг махфийлигига риоя қилмаслик .

23. Ички аудит хизмати аудиторлик текшируви жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва Холдинг компаниянинг молиявий- хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кўрилган чораларнинг баҳоси учун жавоб беради.

24. Холдинг компаниянинг кузатув кенгаши ички аудит хизматининг ҳисоботини ҳар чоракда тинглаб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва Холдинг компаниянинг молиявий- хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чораларни кўради .